

СЕВГИ-МУҲАББАТ МУНОСАБАТЛАРИДА АТТРАКЦИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ахмедов Бахтиёр Турсунович

ТерДПИ Психология кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аттракция, яъни жозибадорликнинг талаба ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ва бу ходисанинг ижобий хис-туйғу эканлиги билан бир қаторда, дўстона муносабатларининг натижасига кўра симпатия, севги, меҳр ва муҳаббат ҳислари шаклланишининг муҳим жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: талабалик, ёшлик, аттракция, симпатия, жозибадор-лик, эмоция, дўстлик, меҳр-оқибат ва севги-муҳаббат

АННОТАЦИЯ

В данной статье помимо значения аттракции, то есть привлекательности в жизни подростков и студенческой молодёжи, и того факта, что это событие является положительным чувством, важными аспектами формирования чувств симпатии, любви, привязанности и любви как также были затронуты результаты дружеских отношений.

Ключевые слова: подростковый возраст, юность, влечение, симпатия, привлекательность, эмоция, дружба, привязанность и любовь.

Инсоннинг талабалик даврлари нафақат профессионал танлов ва касб эгаллаш учун мақбул давр, балки бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз кадр-қимматини билиш ва бошқаларга нисбатан эмоционал муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш даври ҳамдир.

Экспериментал изланишларнинг кўрсатишича, севишганлик талаба ёшларнинг шахс сифатларига бевосита таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам яққол намоён бўла бошлайди. Масалан, севишганлар бошқалардан фарқли, икки марта зиёд ўзаро гаплашишлари ва гапларининг сира адо бўлмасликлари билан ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Бундан ташқари, бундайлар оддий яқин муносабатлар эгасининг кўз қарашларидан саккиз марта ортиқ бир-бирларининг кўзларига қараб термулиб вақт ўтказишлари аниқланган экан.

Ушбу мавзу юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида яна шу нарса аниқланганки, севги билан боғлиқ хиссиётлар ҳар бир жинс вакилида ўзига хос

хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, талаба ёшлар қизларга нисбатан романтизмга берилувчан, тезгинада яхши кўриб қоладиган бўлишлари билан бир қаторда, уларнинг тасавуридаги севги анча романтик, идеал кўринишга эришиб боради. Қизлар эса ўз ўрнида йигитларга нисбатан секинроқ севиб қолишади, лекин севгини унутиш, ундан воз кечиш уларда осонроқ содир бўлади. Агар йигитлар бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қизни севиб ҳам қолиши эҳтимоли юқори бўлса (экспериментларда севги билан симпатиянинг корреляцион боғлиқлиги кучли), қизларда бундай боғлиқлик анча паст кўрсаткичда, яъни қизлар барча ёқтирганларини ҳам чуқур севмаслиги натижасига кўра симпатиянинг пайдо бўлиши ҳам қизларимизда бироз қийин содир бўлиши билан ажралиб туради.

Одатда талабалар ўзларининг ички рухий оламида изтироб, қарама-каршилиқ ва масъулият онларини қанчалик бошидан кечирмасин, унинг эмоционал оламида, атроф-муҳитдаги содир бўлаётган ходисаларнинг акс эттирилиши муҳим ўрин тутаяди. Айнан ўсмирлик ва ўспиринлик даврида бола қалбида ким биландир сирлашиш, кимнидир ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, уни руҳиятида кечаётган барча ўзгаришлардан воқиф қилиш истаги ва эҳтиёжини уйғотади. Биринчи марта “дўстлик”, “муҳаббат”, “севги” тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам етуқлик ва кексалик давридаги кишилар ҳам ўсмирлик ва ўспиринлик йилларини энг беғубор, жозибали ва ёқимлиси сифатида хотирлайдилар.

Кишининг бу каби такрорланмас тараққиёт даври яъни талабалик аттракция деб аталмиш хиссиётнинг пайдо бўлиши учун энг мақбул давр эканлиги билан ажралиб туради. Чунки, бир кўришда ёқтириб қолиш, унинг хуснига ром бўлиш кабилар аттракциянинг дастлабки босқичи бўлиб, бу аслида одамлар онгидаги бир бидъатга, яъни чиройли одам ақлли ва ахлоқли бўлиши тўғрисидаги тасавурларга бевосита боғлиқ бўлади. Бизга маълумки, оиладаги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг келиб чиқиш қонуниятларини атрофлича монографик тарзда ўрганганлардан бири рус олими Л.Я. Гозман (1987) ҳисобланади. У бу қонуниятларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш учун аттракция тушунчасини таҳлил қилади. Аттракция инглизча *attraction* – тортилиш, интилиш сўзларидан олинган бўлиб, у бир инсоннинг иккинчи бир инсонга нисбатан ҳис қиладиган ижобий муносабати асосида ёқиши ва ёқтириши, ўзаро мойилликни тушунтирувчи эмоционал хисдир. Ҳар қандай ана шу зайлдаги диадик, яъни, диада – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг бошланиши симпатия, ёқтириш ёки аттракция, тортилиш-интилиш билан боғлиқ ҳолда амалга ошади дея таъкидлаб ўтади.

Тадқиқотчи Гозманнинг таъкидлашича, жуфтлик муносабатларида аттракцияга туртки бўлувчи омилларнинг энг муҳими – бу шерикнинг ташқи, жисмоний жиҳатдан ёқимтойлиги ва унинг ижтимоий-демографик хусусиятларидир. Айниқса, бундай тасаввур аёл-қизларга нисбатан қўлланилиши кўп бор ҳаётда исботланган. Аттракция – бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ҳосил бўлувчи хис сифатида бир одамнинг бошқа бир одамга нисбатан шаклланадиган ижтимоий установакаларининг бир кўриниши бўлиб, симпатия эса ёқтириш дан тортиб, то севги муҳаббат каби чуқур эмоционал боғлиқликкача давом этиши мумкин бўлган инсоний туйғу сифатида эътироф этилади.

Ижтимоий психологияда ушбу хиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлар – шерикларнинг бевосита битта макон ва замонда эканликлари, уларнинг тез-тез учрашиб туришлари, учрашувлар тезлиги, суҳбатдошлар ўртасидаги масофа, хиссиётларнинг тарбияланганлиги каби омиллар таъсирида пайдо бўлиши ва унинг кечиш механизмлари ўрганилади. Тадқиқотлар бу каби эмоционал муносабатлар айнан балоғат ёши арафасида ривожланишини исбот қилган. Шуниси аҳамиятлики, аттракциянинг намоён бўлиши, унинг кучи ва мазмуни ўсмир ва ўспирин – ёшининг шахс сифатида ўзини идрок қилиши, ўз-ўзини ҳурмат қилиши ва ўзгаларга нисбатан муносабатларда тоқатлироқ бўлишига бевосита таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам ана шу даврда ўсмир ва ўспирин атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг акси бола рухий азобланишининг сабабларидан ҳисобланади.

Дўстлик, ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида пайдо бўладиган барча муаммоларни ечиш ва у билан ўртоқлашиш учун керакли бўлган ижтимоий ва табиий муносабатидир. Психолог тили билан айтганда, дўст – бу “алтер – Эго”, яъни иккинчи “Мен” бўлиб, у ўша пайтдаги “Мен”нинг бир қисми сифатида идрок қилинади. Бу шундай одамки, шахс у билан барча дарду – ҳасратларини муҳокама қилади, муаммоларини унинг олдига тўкиб солади. Шунинг учун ҳам дўстликнинг бошқа интим, эмоционал хиссиётлардан фарқи шуки, у одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади ва дўстлар одатда 2 киши, айрим ҳолларда 3-4 киши бўлиши мумкинлиги масаласи алоҳида қайд этиб қўйилади.

Француз психологи Заззо илк ўспиринлардаги, шу жумладан, ўсмирликда кечадиган дўстликка таъриф берар экан: “Бу давр энг сидқидил ва олижаноб даврдир” деган эди. Келтирилган олим фикрининг асл маъноси шуки, илк ўспиринлар энг пок дўстликка, яъни севгига эга бўлиб, гоҳо ундан норози бўладилар, изтироб чекадилар, чунки бу дўстлик муносабатлари жуда кўп зиддиятлар маконидир. Дўстликнинг ҳам кўзлаган мақсадлари бўлиб, у амалий,

иш-фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал (яъни, мулоқот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни хал қилишга асосланган), ахлоқий (ўзаро инсоний сифатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи) бўлиши лозим. Дўстликнинг асосий шarti – ўзаро бир-бирини тушунишдир. Шу шарт бўлмаса, дўстлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар ана шундай тушуниш бўлса, дўстлар гап – сўзсиз ҳам қилиқлар, юз ифодаси, юриш-туришга қараб ҳам бир-бирларини тушуниб олаверадилар.

Кўпинча икки жинс ўртасида содир бўлувчи дўстлик муносабатлари бўлажак севги муносабатларига кўприк вазифасини ҳам ўтаб келади. Севги, дўстлик ва аттракция намоён бўлишининг биринчи кўриниши бўлиб, севги эса ўз ўрнида қалблар яқинлашувининг муҳим аломатларидан биридир.

Севги – бу нафақат хиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобиляти ҳамда бошқалар учун севимли бўла олиш махорати ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўсмирлар ва ўспиринлар ҳаёти ўзига хос психологик давр сифатида унинг таркибида бу каби хиссиётнинг борлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Айнан ўспиринлик ва талабалик давридаги севги беғубор, тиниқ ва самимий бўлиб, ёш ўтган сари унинг мазмуни бойиб, бошқа кадриятлар ҳам ўрин эгаллай бошлайди. Ўсмир билан ўспирин севгисида сифат жиҳатидан фарқларни кўриш мумкин. Ҳақиқий севги ўспиринлик даврининг охирларида том маънода айтганда талабалик йилларида пайдо бўлиб, унинг асосий мезони энди ташқи белги ва афзалликлар эмас, балки инсоний фазилатлар бўлиб хизмат қила бошлайди.

Севги – бу шундай туйғуки, у бир шахснинг иккинчи шахс устидан мутлоқ устунлиги ёки афзаллигини инкор этади. Шу боисдан ҳам бундай хиссиёт соф севги муносабатларига айланаолмайди. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ёшидаги йигит ва қизлар гуруҳда мулоқотда бўлишни ва бунда тенг ҳуқуқли муносабатлар иштирокчиси бўлишни жуда хоҳлайдилар. Бу талаб севишганлар учун ҳам ўзига хос қонун ҳисобланади. Одатда севган юрак маънавий жихатдан яхши, улуғ ва ижтимоий жихатдан манфаатли ишларни қилишга қодир бўлади. Тўғри, кўпчилик ота-оналар ўқувчилик йилларида пайдо бўлган севги хиссидан бироз чучийдилар, уни чеклашга, хаттоки, қизларга таъқиқлашни ҳам афзал кўрадилар. Лекин, айнан шу ҳиснинг борлиги ёшларни улуғворроқ, самимийроқ ва хар ишга қодир ва кучлироқ қилиб тарбиялашда ўзининг муносиб ўрнини кўрсатиб келмоқда. Севгида “иши юришмаганларнинг” эса бошқа соҳаларда ҳам иши юришмайди. Натижада эса улар ўзларини тушкун, бахтсиз ва омадсиз инсон дея ҳисоблай бошлайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, таълимнинг барча босқичида маънавий тарбиянинг ажралмас бўлаги сифатида ана шундай самимий муносабатларни тарбиялаш, тарғиб этиш, керак бўлса, ёшларга ана шундай севги

ва садоқат ҳақидаги қадриятларимизни сингдиришимиз керак. Севги ва муҳаббат ҳислари кенг маънода – Ватанга, юртга, она халқимизга, она табиатга, касбга ва яқин кишиларимиз Ота-оналаримизга, опа-сингил, ака-ука ва барча сиблинг мақомига эга бўлган қон-қариндошчилик муносабатларига шунингдек, маҳалла кўча-куй ва хоказоларга ҳам қаратилган бўлиши керак. Инсон юксак хис-туйғуларининг энг олийси Ватан туйғуси бўлиб, у туйғу инсон боласининг илк ёшлик даврида она сути ва унинг қалб қури билан фарзанд онгига ва қалбига сингиб боради. Ватан ва халқ эгизак тушунча бўлиб, бирини хис қилиш учун иккинчисини билиш керак. Ватан ҳисси – бу халқни севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига етмоқ ва эътироф этмоқликдир. Ўзбекистонликлар учун шу юрт, шу тупроқни севиш, унинг қадрига етиш – буюк неъмат ва шу билан бирга, юксак масъулият ҳамдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Шоумаров Ғ.Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила.— Тошкент, Ибн Сино», 1994. -120с.
2. Акрамова Ф.А. Юқори синф ўқувчиларида севги-муҳаббат ҳислари намоён бўлишининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Дис.п.ф.н., Т.: 1997, 184 б. Дис.п.ф.н., Т.: 1997, 184 б.
3. Akhmedov, V. (2022). Psychological characteristics of feelings of love. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1467-1470.
4. Ахмедов, Бахтиёр Турсунович. “Влияние среды на формирование социальных стереотипов в семейных отношениях”. Проблемы современной науки и образования 1 (146) (2020).
5. Ахмедов, Б. Т. (2018). Игра система внедрения инновационных учебных программ. Гуманитарный трактат, (29), 17-19.
6. Akhmedov, V. T. (2021). The Family as the Basic Unit of Society. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(12), 201-204.
7. Ахмедов, В. (2022). МУҲАББАТ ҲИСЛАРИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ГЕНДР ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(6).
8. Ахмедов, Б. Т. (2021). СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.27.84.079> Ахмедов Бахтиёр Турсунович, Термиз давлат университети Педагогика институти “Психология” кафедраси катта ўқитувчиси. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (1-Махсус сон), 32-38.
9. Ахмедов, Б. Т. (2022). МУҲАББАТ ҲИСЛАРИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ЖИНСГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИ. *O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(10), 87-92.